

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

СЕЙТНАЗАРОВА ОКСАНА МУРАТБАЕВНА

**БЕНТОНИТ ГИЛМОЯСИНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШ ВА
ОРГАНОБЕНТОНИТ ИШТИРОКИДА БЎЎВЧИ МОДДАЛАРНИНГ
АДСОРБЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Сейтназарова Оксана Муратбаевна

Бентонит гилмоясини модификациялаш ва органобентонит иштирикода
бўёвчи моддаларнинг адсорбция жараёнини тадқиқ этиш.....3

Сейтназарова Оксана Муратбаевна

Модификация бентонитовой глины и исследование процесса адсорбции
текстильных красителей органобентонитом.....21

Seytnazarova Oksana Muratbaevna

Modification of bentonite clay and research of the adsorption of coloring
substances by organobentonite.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

СЕЙТНАЗАРОВА ОКСАНА МУРАТБАЕВНА

**БЕНТОНИТ ГИЛМОЯСИНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШ ВА
ОРГАНОБЕНТОНИТ ИШТИРОКИДА БЎЎВЧИ МОДДАЛАРНИНГ
АДСОРБЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T2213 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилаган .

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш ве-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ихтиярова Гулнара Акмаловна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашев Ойбек Каримович
кимё фанлари доктори

Эркабаев Фуркат Ильясович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02.30.12.2019.K/T35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «б» июль 2021 йил соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «22» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «22» июньдаги № 3 -рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

С.А.Абдурахимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда саноат тармоқларининг жадал ривожланиши атроф-муҳитга сезиларли даражада антропоген таъсирнинг ортишига олиб келмоқда. Кўплаб саноат тармоқлари, шу жумладан тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарининг фаолият юритиши катта миқдордаги заҳарли газлар, оқава сувлар ва каттиқ кўринишида чиқиндилар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Оқава сувларни тозалаш ва қайта жараёнга қайтариш учун адсорбентлардан фойдаланиш орқали атроф-муҳитнинг сунъий ифлосланишини камайтириш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда саноат оқава сувларини тозалаш учун адсорбентлар олиш мақсадида табиий ва синтетик хомашёни фаоллантириш ва модификациялаш технологияларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада гилли минералларнинг кимёвий ва минералогик таркибини аниқлаш, гилларни сорбция хусусиятларига кўра бойитиш, фаоллантириш ва модификациялашнинг мақбул шартларини аниқлаш, самарали модификацияловчи реагентларни аниқлаш, адсорбентлар юзасида турли моддаларнинг адсорбцияланиш механизмини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада табиий ресурслар, хусусан, маҳаллий табиий гилли минераллар асосида юқори сорбциялаш имкониятига эга модификацияланган адсорбентларни олиш, шунингдек улар ёрдамида органик ва ноорганик ифлослантирувчи моддалардан сорбцион тозалашда фойдаланиш бўйича қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишига кўра "юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш"¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, янги юқори самарали сорбцион материалларини яратиш, улар асосида саноат оқава сувларини ҳар ҳил ифлослантирувчи моддалардан комплекс зарарсизлантириш технологияларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда сорбцион технологиялар ёрдамида сувни тозалашнинг назарий масалалари чуқур ўрганилган. Ғовакли материаллар ёрдамида оқава сувларни ифлослантирувчи моддалардан тозалаш масалаларига кўплаб тадқиқотлар бағишланган бўлиб, уларнинг таҳлили органик ҳамда минерал сорбентлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ тадқиқотларни ёритиб бериш имконини беради. Минерал, органик сорбцион ҳамда ион алмашувчи материалларни олиш услубиёти Лысенко А.А., Карнаухова А.П., Земнухова, Комаров В.С., Ратько А.И., Клушин В.Н., Никитина Т.В., Ермаков Д.В., Воловичева Н.А., Брызгалова Л.В., Амфлета Ч., Ергожина Е.Е., Акимбаева А.М. Тиньгаева Е.А., Кузнецова И.О., Andini S., Shawky H., Chang M., Gupta V., Chen H., Garg U., Grimm A., Gurgel L., Malkos E., Dahlan I., Dinu M., Liu A., Vieira M. ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда адсорбентларни тадқиқ этиш ва яратиш соҳасидаги етакчи олимлардан бири Ахмедов К.С. раҳбарлигида илмий мактаб ташкил этилган бўлиб, соҳа вакиллари Арипов Е.А., Глекел Ф.Л., Хамраев С.С., Аминов С.Н., Агзамходжаев А.А., Ахмедов У.К., Раҳматқариев Г.У., Муминов С.З., Хамидов Б.Н., Гуро В.П., Нарметова Г.Р., Туробджанов С.М., Ихтиярова Г.А., Эшметов И.Д., Эргашев О.К., ва бошқалар унинг ривожига салмоқли хисса қўшдилар.

Бир вақтда, турли мақсадлар учун органоминерал сорбентлар олиш, шу жумладан, сувни тозалаш ва фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш борасида бир қатор илмий ишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф3 2019081633 «Маҳаллий *Apis Millifera* жонсиз асаларилардан хитин ва хитозан синтез қилиш ҳамда улар асосида биопарчаланувчи полимер плёнкалар олиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Крантау гили асосида юқори самарали органобентонитлар олиш технологиясини яратиш ва уларнинг асосий физик, кимёвий ва адсорбцион хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

органобентонитлар олиш учун маҳаллий самарали хом ашёни танлаш;
гилларнинг органик модификаторларини танлаш, модификациялаш учун мақбул шароитларни ўрганиш;

органобентонит адсорбентларнинг физик (ғоваклик, зичлик, сорбцион хусусиятлари) ва механик (пластиклик, мустаҳкамлик) хоссаларини ўрганиш;
органобентонит адсорбентларнинг гидрофил ва гидрофоб адсорбатларга нисбатан сорбцион хусусиятларини ўрганиш;

органик бўёқларга нисбатан адсорбция кўрсаткичларини аниқлаш;
гексадецилтриметиламмоний бромид, хитозан модификаторлари ёрдамида органобентонитлар олиш технологиясини яратиш ҳамда олинган органобентонитлар ёрдамида рангли оқава сувларни тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш;

тўқимачилик саноати оқава сувларини тозалаш иншоотларининг филтрлаш тизимларида сорбент сифатида органобентонитнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича саноат синовларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Крантау ишқорий бентонити, мазкур бентонит ҳамда гексадецилтриметиламмоний бромид ва хитозан асосида олинган органобентонитлар, текстиль саноати оқава сувлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини органобентонит адсорбентларни олиш шунингдек уларнинг коллоид-кимёвий ва адсорбцион хусусиятлари ҳамда адсорбент-адсорбатнинг ўзаро таъсир механизмларини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий (рентгенфаза таҳлили, электрон сканерловчи микроскопия, ИҚ спектроскопия) ва коллоид-кимёвий усуллар (калориметрия, порометрия, фотометрия) ҳамда тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

гил ва гексадецилтриметиламмоний бромиднинг 10:1,3, гил ва хитозаннинг 10:0,7 оғирлик нисбатларида Крантау гили асосидаги органобентонитлар синтезининг мақбул шартлари аниқланган;

олинган адсорбентларнинг турли адсорбатлар – бензол, сув, пиридин, катионли ва анионли бўёқлар, анионли ва ион тутмаган сирт фаол моддалар (СФМ)га нисбатан адсорбцион хоссалари аниқланган;

статик ва динамик шароитларда бўёқлар ва сирт фаол моддаларнинг органобентонитларда адсорбцияланиш механизмлари ҳамда адсорбент сиртида адсорбатнинг аралаш қатламларининг шаклланиши аниқланган;

БЭТ назарияси ва Ленгмюр тенгламалари ёрдамида структуравий ва сорбцион кўрсаткичлари ҳамда ғоваклик ҳажмларини тавсифлаш орқали ГДТМА-КР ва Х-КР намуналари микро ва мезоғовакли тузилишга эга эканлиги исботланган;

адсорбцион ва технологик хусусиятлари юқори бўлган органобентонитлар ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

органобентонитли адсорбентлар ёрдамида саноат оқава сувларини органик ва ноорганик бирикмалардан комплекс тозалашнинг мақбул шартлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

гексадецилтриметиламмоний бромид ва хитозан ёрдамида Крантау гилини модификациялашнинг мақбул шартлари яратилган;

тўқимачилик саноати рангли оқава сувларини комплекс тозаловчи органобентонит адсорбентларни олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги фойдаланилган кимёвий

(аналитик усуллар) ва физик-кимёвий (рентгенография, электрон-сканерловчи микроскоп, ДТТ, ИҚ-спектроскопия) таҳлил натижалари ва тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий бентонит минералини СФМ лар билан модификациялаб органобентонит адсорбентлар олиш ва уларни текстил саноати оқова сув таркибидаги анион ва катион бўёқлар ва анион СФМ лар билан ўзаро таъсир қонуниятлари ва комплекс тозалаш механизмини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти импорт ўрнини босувчи маҳаллий бентонит гиллари асосида органобентонит адсорбент олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда кимё ва кимёвий технология соҳасидаги таълим муассасалари ўқув жараёнида магистрлар ва бакалаврларни тайёрлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бентонитлар ва органик модификаторлар асосида модификацияланган адсорбентлар олиш ва уларнинг сорбция хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Крантау бентонити асосида органик СФМлар билан модификацияланган органобентонит адсорбентларни олиш технологияси «BOSTON MEGA TEKSTIL» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси атроф-муҳити ва экологияни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил 10 февралдаги 02/18-1-296-сон маълумотнома). Натижада, турдош импорт асосидаги адсорбентларга нисбатан 3 баробар арзон органобентонит адсорбентларни ишлаб чиқариш имконини берган;

олинган органобентонит адсорбентлари ёрдамида тўқимачилик корхоналарининг саноат оқова сувларини бўёвчи моддалар ва СФМлардан тозалаш технологияси «BOSTON MEGA TEKSTIL» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси атроф-муҳити ва экологияни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил 10 февралдаги 02/18-1-296-сон маълумотномаси). Натижада, оқова сувларни бўёқ моддалар ва СФМлардан тозалаш 90% дан ортиқ қийматга етиши натижасида ишлаб чиқаришнинг технологик циклига тозаланган сувни қайтариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртда боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг ва тадқиқотларнингнинг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги билан амалий натижалари боғлиқлиги баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тажриба-саноат синовлари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гилли минераллар ва уларнинг модификацияланган шакллари тўқимачилик саноати оқава сувларини тозалашда адсорбент сифатида таҳлил қилиш**» деб номланган биринчи бобида гил минераллари, уларни модификациялаш усуллари, бентонит гилларининг адсорбцион хусусиятларини тартибга солишнинг физик-кимёвий усуллари, шунингдек, гилларнинг энг муҳим органик модификаторлари, органомодификацияланган гилларнинг қўлланилиш тармоқлари, органобентонит адсорбентларнинг хусусиятларини назорат қилиш ҳақидаги мавжуд ғоялар ўрганилган. Оқава сувларни сорбцион тозалашнинг замонавий усуллари, уларнинг самарадорлиги ва замонавий ишлаб чиқариш учун аҳамияти таҳлил қилинади. Бўёқ ишлаб чиқариш корхоналари ва тўқимачилик саноатининг бўяш цехлари ишлаб чиқарадиган оқава сувларни тозалаш учун адсорбентлар яратишнинг коллоид-кимёвий асослари ҳақидаги маълумотлар батафсил келтирилган.

Адабиётлар таҳлилида тўқимачилик саноати оқава сувларини зарарсизлантиришга мўлжалланган органобентонит сорбентларни яратиш учун маҳаллий бентонит гиллари ва органик модификаторлардан фойдаланиш имконияти кўрсатилган. Адабиётлар таҳлили ушбу ишнинг мақсад ва вазифаларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг «**Табиий ва модификацияланган бентонитнинг структуравий ва асосий кимёвий-технологик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида Крантау ва Навбахор бентонит гилларининг кимёвий ва минералогик таркиблари, физик-механик ва адсорбцион хусусиятлари ҳамда бентонит гиллари асосида органобентонит адсорбентларни яратишнинг коллоид-кимёвий асосларига оид маълумотлар келтирилган.


Бентонитларнинг минералогик таркибини ҳар тарафлама ўрганиш рентген, электрон микроскопик ва термогравиметрик таҳлил усуллари орқали амалга оширилди. Рентгенограмма тасвирлари кукунсимон рентген дифрактометри XRD-6100 (Shimadzu, Japan) ёрдамида олинди. Термогравиметрик ўрганишлар Paulik-Paulik-Erdey тизимидаги дериватограф ёрдамида амалга оширилди. Қиздириш ҳарорати 10°/мин, намуна оғирлиги –

100 мг ни ташкил этди. Электрон микроскопик тадқиқотларлар намунанинг микдорий элементар таркибни аниқлаш ва рангли микрографларни олиш имконини берадиган (СЭМ) EVO MA10 SEM Carl Zeiss электрон сканерловчи микроскопда олиб борилди.


Тажрибалар Крантау кони (КР) гил намунаси таркибининг асосий қисми натрийли монтмориллонит эканлигини кўрсатди (1,5450; 1,2923; 0,4484; 0,2592; 0,2489; 0,1767; 1,502 нм). Монтмориллонитга хос чизиклар (1-расм) жуда ёрқин ифодаланган бўлиб, бу ҳол унинг асосий ташкил қилувчи минерал эканлигидан далолат беради. Монтмориллонитга тегишли чизиклардан ташқари, шунингдек иллитга (1,0091; 0,445; 0,3795; 0,3236; 0,2971; 0,1639; 0,1502 нм), каолинитга (0,7161; 0,2592; 0,1502 нм), гидрослюдага (0,4566; 0,3607; 0,2592; 0,1767; 0,1559 нм), дала шпати (0,3236; 0,2330; 0,1731)га хос чизиклар мавжуд. Рефлекснинг $d_{001} = 1,236$ нм қиймати (1-расм) монтмориллонитнинг натрийли шаклини исботлайди.

Олинган термик таҳлил маълумотлари РФА натижаларига мос келади. КР термограммасида 90-110°C ҳарорат оралиғида кучли эндотермик таъсир кузатилиб, бу ҳол адсорбцион ва қатламлараро молекуляр сувнинг ажралиши билан изоҳланади. Максимал 500-520°C ҳарорат оралиғида кузатилган кўшимча пик структуравий сувнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ. 850-890°C ҳароратдаги учинчи заиф пик монтмориллонитнинг сувсиз модификациясининг парчаланишига тўғри келади.

КР намунасининг электрон микроскопик тасвирлари 2-расмда келтирилган бўлиб, тасвирда бутун ҳажм бўйлаб бир текис тақсимланган қатламлараро ғоваклар яққол намоён бўлган.



1-расм. КР намунасини дифрактограммаси.



2-расм. КР намунасининг электрон микроскопик тасвири.

Гилнинг нозик фракциялари кимёвий таҳлили ГОСТ 2642-81 бўйича бажарилган бўлиб, унга кўра SiO_2 , TiO_2 , Al_2O_3 , Fe_2O_3 , MgO , MnO , CaO , Na_2O , K_2O и P_2O_5 ларнинг оғирлик фоизлари аниқланди. Ўтказилган кимёвий таҳлил маълумотларига кўра, ўрганилаётган гил ишқорий металлларнинг ионларига бой. 1-жадвалда шунингдек назорат намунаси сифатида таъкидлаб ўтилган Навбаҳор ишқорий бентонити (НИБ)нинг кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал.

Гил намуналарининг кимёвий таркиби

Гил	Қуруқ моддага нисбатан миқдори, % да
-----	--------------------------------------

намунаси	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃ + FeO	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	CO ₂	б.к.м.
КР	60,3	16,8	6,6	1,1	1,9	3,6	2,4	0,2	0,3	0,1	6,7
НИБ	57,91	14,04	5,10	0,48	1,84	1,53	1,75	0,43	0,75	0,2	15,97

Дисперс таркибини аниқлаш бир неча таҳлилий усуллар билан амалга оширилди. Гилли фракция унумини аниқлаш оғирлик кучи таъсирида турли хил (заррача ўлчамига қараб) чўкиш суръатларига асосланган томизгич усулида олиб борилди.

Таҷрибаларда дисперсликни аниқлаш учун седиментацион таҳлил усулидан ҳам фойдаланилган бўлиб, бу усул ўртача дисперслик ҳамда дисперс фаза заррачаларининг ўлчамлар бўйича тарқалиш хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Бентонит сув суспензиясининг седиментацион чўкмасини узлуксиз тортиш бурама (торсион) тарозилар ёрдамида амалга оширилди (15, 30, 60, 120, 300 с). Мазкур тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Тиндириш сонининг ортиши 50 мкм дан йирик КР фракциялари сонининг 55,1 дан 11,8% га ва 59,1 дан 12,9% га камайишига олиб келади. Бинобарин, ўрганилаётган объектларнинг дисперслигига гилларни тиндириб бойитиш, мазкур жараённинг ҳарорати ва бошқа омиллар каби механик омиллар таъсир кўрсатади, лекин гилларнинг гранулометриқ таркиби кўпроқ уларнинг кимёвий ва минералогик таркибига боғлиқ. Маълум бўлишича, турли фракциялар таркибига кўра КР намунаси майда донали хомашё гуруҳига киради (ГОСТ 9169-92).

2-жадвал.

Табиий гилларнинг гранулометриқ таркиби, %


Гил намунаси	Заррачалар ўлчами, мкм			
	50-10	10-5	5-1	1 дан кичик
КР	25,0	8,2	8,9	2,8
НИБ	21,1	7,2	9,5	3,1

Бентонит гиллари ва уларнинг модификацияланган шакллари тўқимачилик корхоналарининг мураккаб таркибли оқава сувларига ишлов беришда яроқлилигини аниқлаш мақсадида сув, бензол ва пиридин буғлари, эритмадаги органик бўёқлар ва бошқаларга нисбатан адсорбцион имкониятлари ўрганилди.

Сув, бензол ва пиридин буғларинининг сорбцион ўлчовлари $1,33 \times 10^{-3}$ Па қолдиқ босим ва 298 К ҳароратда симобли тўсиқ ҳамда кварц тарозига эга юқори вакуумли Мак-Бен қурилмаси ёрдамида амалга оширилди. Қурилмадаги кварц пружиналарининг чўзилиши КМ-8 катетометри ёрдамида кузатиб борилди.

3-расмда табиий КР намунасида сув, бензол ва пиридин буғлари адсорбцион қийматларининг ўзгариши тасвирланган диаграммалар келтирилган. Маълумки, монтмориллонитли гиллар структуравий тузилиши жиҳатидан юқори даражада гидрофиллик хусиятига эга. Шунинг учун

монтмориллонит паст нисбий босим ($P/P_s=0,2$) қийматларида ҳам сув буғларига нисбатан юқори мойилликка эга.



3-расм. КР намунасида турли адсорбтивлар буғлари адсорбцияси изотермалари: 1) пиридин; 2) сув; 3) бензол.

КР намунасида бензол буғларининг адсорбция қийматлари пиридиннинг адсорбцияланиш миқдоридан сезиларли кичик бўлиб, бу ҳолат пиридин молекулаларининг қутланувчанлигига боғлиқ, шу туфайли сорбент сиртига нисбатан юқори мойилликка эга. Адсорбция изотермалари асосида синов намунасининг тузилиш кўрсаткичлари қиймати ҳисобланди (3-жадвал).

Мазкур тадқиқотлар натижасида табиий КР намунаси кўп миқдордаги микроғоваклар ҳамда заррача диаметри 2-3 нм бўлган кам миқдордаги мезоғоваклар билан ажралиб туриши аниқланди. Бу қиймат қўшни қатламлар орасидаги ўртача масофага тўғри келади.

3-жадвал.

Сув *, бензол ва пиридин** буғлари адсорбция изотермаларидан ҳисобланган КР намунасининг текстур хоссалари

Адсорбат	Монокават сифими, A_m	$S_{\text{соль}}$, м ³ /г	Микроғовак ҳажми, W_1 , см ³ /г	Мезоғовак ҳажми, W_2 , см ³ /г	Тўйиниш ҳажми, V , см ³ /г	Ғовак радиуси, нм
H ₂ O	1.879	122.19	0.0693	0.0033	0.072	1.13
C ₆ H ₆	0.212	51.03	0.0440	0.0200	0.064	2.37
C ₅ H ₅ N	0.354	82.37	0.0600	0.0200	0.080	1.91

*- Ленгмюр чизиқли тенгламаси асосида ҳисобланган;

**-. БЭТ чизиқли тенгламаси асосида ҳисобланган.


Кўплаб илмий адабиётларда келтирилган маълумотларига кўра, бентонитлар юзасининг геометрик тузилиши ва текстур хусусиятларини ўрганишнинг энг сермахсул усули сувли эритмалардан анорганик ва органик моддаларнинг адсорбцияси асосида ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотларда молекулаларнинг табиати ва ўлчамлари билан фарқ қилувчи қуйидаги адсорбатлардан фойдаланилди: катионли бўёқ - метилен кўки (МК); анионли бўёқ - метил зарғалдоғи (МЗ). Табиий бентонитнинг бўёқларга нисбатан адсорбцион имконияти статик шароитда аниқланди. Адсорбциядан олдинги ва кейинги бўёқлар концентрацияси КФК-3-01 лаборатория фотоколориметрида фотометрик усулда аниқланди.

Табиий КР намунасидаги бўёқлар адсорбциясининг кинетик эгри чизиқлари турлича кўринишда бўлиши лаборатория тажрибалари натижасида аниқланди (4-расм). Лекин сорбцияланган бўёқларнинг табиати ва молекуляр

оғирлигидан қатъий назар, ўрганилаётган бўёқлар учун адсорбцион мувозанатнинг ўрнатилиши 4-5 соатдан сўнг содир бўлади. Адсорбция жараёнларининг давомийлиги, аввало, адсорбат молекулаларининг катталиги ва уларнинг концентрацияси билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, МЗ бўёғининг КР даги адсорбция жараёнини таснифловчи эгри чизик нисбатан кичик қийматларга эга. МК бўёғининг адсорбциясининг кинетик эгри чизиклари поғонасимон кўринишга эга. МК ва МЗ нинг табиати турли хил бўлишига қарамасдан адсорбция эгри чизигининг биринчи қисмида тахминан 2 соат давом этади ва поғонали эгри чизикнинг иккинчи қисмида кейинги 2-3 соат давомида МК учун адсорбция қиймати кескин ортади, шу билан бирга адсорбцион мувозанатнинг ўрнатилишига бир хил вақт сарфланади.

Олинган адабиётлар ва маълумотларни таққослаш қуйидагича хулоса қилишга имкон беради: табиий КР гили катионли бўёқга нисбатан юқори мойилликка эга, бу унинг катта миқдордаги катион алмашилиши, шунингдек катионли алмашилиш марказлари мавжудлиги билан боғлиқ. Ютилувчи ионлар концентрациясининг (МК) ва уларнинг сувли эритмаларда бирикиш даражасининг ортиши адсорбция қийматларининг камайишига олиб келади. Бундай ҳолларда, КР намунаси учун сирт юзани фойдаланиш самарадорлиги фақат 45% ни ташкил этади.



4-расм. КР намунасида бўёқлар адсорбциясининг изотермаси: 1) МК; 2) МЗ.


Органогиллар синтезининг тўғри ташкил этилиши гилли минераллар ва органик бирикмаларнинг фойдали хусусиятларини умумлаштиришга ёрдам беради. Гилларни модификациялаш жараёнида заиф тузилишга эга бўлган ва органик мухитларда бўкмайдиган гиллар органик мухитларда осон бўкувчи шаклларга айланади. Бўкувчанлик ҳамда тиксотропик геллар ҳосил бўлиш қобилияти гиллар юзасига ютилган органик моддалар табиатига боғлиқ.

Оргабентонит препаратлари аорганик ва органик хомашёнинг турли нисбатларида тайёрланган. Бунинг учун гил минералларининг намуналари дистилланган сув ёрдамида тиндириш йўли билан сувда эрувчан тузлар ва қумлардан тозаланган. Бойитилган бентонит бўтқаси центрифугалаш йули билан суюқ зардобидан ажратилиб, сунг гил 105°C ҳароратда қуритилди. Зарур ҳолларда, гилнинг натрий билан алмаштирилган шакллари қўлланилади. Қуритилган гил модификаторнинг сувли эритмаси (триметилэтиламмоний бромид, хитозан ва гексадецилтриметилламмоний

бромид) билан 0,3 моль/л концентрацияда ва 600 айл/мин тезлик билан 50°С ҳароратда 6 соат давомида узлуксиз ҳолда аралаштирилди. Кўплаб тажрибалар натижасида мақбул миқдорда модификаторлар олинди, бу суспензиядаги натрий монтмориллонит оғирлигига нисбатан 10-20% ни ташкил этади.

Модификациядан кейин олинган аралашма модификатор қолдиғидан ювилиб, суяқ фазадан центрифугалаш йўли билан ажратиб олинди. Ажратиб олинган қаттиқ фаза ҳаво қуритгичларда 363 К да 2 соат давомида қуруқ-ҳаво шароитида қуритилди. Синтезланган органобентонитлар шартли равишда ГДТМА-КР (гексадецилтриметиламмоний бромид), Х-КР (хитозан), ТМЭА-КР (триметилэтиламмоний бромид) деб номланди.

Модификацияланган бентонитларнинг структуравий хусусиятларини ҳар тарафлама ўрганиш шуни кўрсатдики, ТМЭА-КР намунаси асосан чўзиқ кўпбурчаклар шаклидаги гил заррачаларининг алоҳида бирлашмалари билан ифодаланади. Маълум бўлдики, молекуляр оғирликнинг ортиши ҳар икки базал юзаларни қоплаш учун етарли бўлган қўш қалинликдаги катионларни модификацияловчи ассоциатларнинг ҳосил бўлиш даражасини оширади. Хитозан-полимер модификаторида монтмориллонит кристалларининг ташқи юзаларининг гидрат-ионли қатламлари ўрнига бир қаватли модификатор катионлари қалинлигига эга бўлган ассоциатлар ҳосил бўлиши кузатилади. Шу билан бирга модификатор молекулалари ўлчамининг ортиши силикат қатламларини қоплашда уч ўлчамли тартиб даражасининг ортишига ёрдам беради. Электрон микроскоп остида йирик Х-КР заррачаларининг асосан 1 мкм ўлчамга яқин бўлган тўғри бурчакли шаклга эга эканлиги кўринади (5-расм). Ушбу тахминлар рентгенфазавий таҳлили натижаларига тўлиқ мос келади. Рентген дифракцияси тасвиридан кўриниб турибдики, ГДТМА-КР ва Х-КР учун монтмориллонит қатламларининг қаватлараро масофаси d_{001} текисликка кўра мос равишда 12,4 Å дан 25,9 Å ва 21,0 Å гача ортган. Лекин, ТМЭА-КР намунаси учун d_{001} нинг жойлашуви сезиларли даражада ўзгармади.



5-расм. Органобентонитларнинг электрон микроскопик тасвири: А) ГДТМА-КР; Б) Х-КР.

Органобентонитларнинг структуравий-механик хоссаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ГДТМА-КР-2 ва Х-КР-2 (заррача ўлчамлари 1 дан 3 мм гача) намуналари мос равишда қуйидаги мақбул кўрсаткичлари билан тавсифланади: майдаланиш даражасининг ўртача қиймати $1,4 \pm 0,1$ ва $3,0 \pm 0,1$ % (ГОСТ бўйича 4% дан кўп эмас) ва сийқаланиш даражаси – $0,23 \pm 0,1$ ва $0,28 \pm 0,1$ % (ГОСТ бўйича 0,5% дан кўп эмас).

Гексадецилтриметиламмоний бромид билан ишлов берилган ММ нинг табиий шакли асосида олинган ГДТМА-КР намунаси бошқа намуналарга нисбатан юқори солиштирма юза, ғовакларнинг ўртача диаметри ва катта хажмда микроғовакларга эга. Бензол, сув ва пиридин буғи адсорбцияси миқдори бўйича ҳисобланган ГДТМА-КР солиштирма юзаси мос равишда 377,52; 137,08 ва 532,19 м²/г ни ташкил этди, Х-КР учун эса 236,07; 150,62 ва 488,33 м²/г қийматга эга. Солиштирма сирт юзаларининг бундай турлича қийматларини адсорбат молекулаларининг органобентонитларга юқори мойиллиги билан тушунтириш мумкин. Лекин, хитозан асосида модификацияланган монтмориллонитнинг кристаллокимёвий тузилишидаги ўзгаришларга қарамай (d_{001} рефлекси унумининг ҳамда интенсивлигининг юқори қийматлари), унинг гидрофоблик қобилияти ГДТМАБга нисбатан паст кузатилади. КР намунасини модификаторлар – гексадецилтриметиламмоний бромид ва хитозан билан модификациялаш гидрофоб хоссали бензолнинг адсорбцияланиш миқдорини мос равишда 7,53 ва 4,63 марта ортишига олиб келди. Бинобарин, дастлабки гил (натрий ёки кальцийли) туридан қатъий назар гексадецилтриметиламмоний бромид асосида олинган органобентонитлар кўпроқ гидрофоб қобилиятга эга. Ушбу тахмин ГДТМА-КР ва Х-КР ларнинг мос равишда 3,85 ва 4 моль/г миқдордаги сув буғларига нисбатан адсорбция имконияти билан ҳам тасдиқланади. Эҳтимол, намунанинг сувга нисбатан адсорбцияланишининг юқори қийматлари хитозан таркибида кутбли гуруҳлар мавжудлиги билан ҳам боғлиқ, буни бентонитни модификациялаш жараёнида ўзгаришга учрамаганлик ва шу сабабли сув молекулаларига водород боғлари ёрдамида боғланганлини билан изоҳлаш мумкин.

Ушбу диссертация ишининг мақсадларидан бири катионли ва анионли бўёқларга нисбатан адсорбцион кўрсаткичларни ўрганиш ва синтез қилинган органобентонитларнинг адсорбцион мувозанатини тавсифлашдан иборатдир.

КР намунасида катионли бўёқ метилен кўк (МК) нинг адсорбцияси монтмориллонит кристалларининг таъсирлашувчи заррачалари орасида вужудга келган ғоваклар (мезоғоваклар) ҳисобига минералнинг ташқи базал юзасида содир бўлади, бунга сабаб эса табиий минералнинг микроғоваклар ҳажми кичиклиги, асосан қаватлараро фазода ва нисбатан ташқи базал юзаларда жойлашган Na^+ алмашинув катионларининг катион алмашинув марказлари сифатида ифодаланганлигидир. Шу туфайли табиий бентонит хусусан юқори адсорбцион имкониятларини намоён қилмайди. Сорбентларда МК адсорбциясининг қийматлари ГДТМА-КР>Х-КР>КР тартибида ўзгаради.


Текисликлараро масофанинг ҳамда аниқ солиштирма сирт юзасининг юқори қийматларига қарамай, Х-КР намунаси ГДТМА-КР намунасига

нисбатан камроқ адсорбция сиғимига эга. Бу, эҳтимол, циклик бўғинлардан иборат устунлар ҳосил бўлиши туфайли МГ молекулаларининг сорбент микроғовакларига ютилиши чекланганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун Х-КР намунасидаги микроғовакларнинг фақат арзимаган қисмида заррачаларни адсорбция қилиш имкони мавжуд.

ГДТМА-КР намунасидаги МК адсорбцияси миқдорининг ортиши, аввало, мавжуд катионли марказлар сонига, шу қаторда, монтмориллонит юзасининг гидрофобланишига ҳам боғлиқ бўлиб, у нафақат катионли бўёқнинг, балки бошқа органик моддаларнинг адсорбцияси жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Табиий гил намунасининг анион алмашилиш хоссалари уларнинг таркибида гидроксил гуруҳлари Al-OH, Fe-OH нинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, уларнинг изоэлектрик нуқталаридан паст рН қийматларида (нол заряд нуқтаси) асосий типга кўра диссоциаланади.

КР бентонитини модификациялаш унинг анион алмашилиш имкониятини сезиларли даражада ортишига олиб келган бўлиб, 6-расмдаги маълумотлар буни исботлади.



6-расм. Намуналарда МЗ абсорбцияси изотермаси: 1. КР; 2. ГДТМА-КР; 3. Х-КР (20°С ва рН=7 да, адсорбент сарфи 1 г/л, МГ эритмасининг дастлабки концентрациялари 1-200 мг/л).

Табиий КР намунаси МЗ га нисбатан кам адсорбцион сиғимга эга бўлиб, бу намунадаги анион алмашилув марказлари Al-OH ва Fe-OH нинг озлиги билан тушунтирилади. Каттароқ солиштирма юза ва катта ўлчамдаги бирламчи тирқишсимон микроғовакларга эга Х-КР сорбентида анион алмашилув адсорбциясининг энг юқори қиймати кўзатилади.

Эритмада МЗ концентрациясининг ортиши молекулалар якка тартибининг пасайишига ҳамда бирлашмаларининг ҳосил бўлишига олиб келади. МЗ анионларнинг якка тартибдаги адсорбцияси ГДТМА-КР нинг актив марказлари ва микроғовакларида содир бўлади. МЗ миқдорининг ортиши билан адсорбтив молекулаларининг адсорбцияланиши бундан кейин адсорбат моноқаватларида рўй бериб, ГДТМА-КР адсорбция изотермасининг эгри чизиғи бундан далолат беради. Олинган эгри чизиқлар таҳлили шуни кўрсатдики, ГДТМА-КР ва Х-КР нинг анионларга нисбатан адсорбцион фаоллиги табиий гилга нисбатан мос равишда 6,47 ва 6,7 марта юқори.

Ўрганилаётган объектларнинг адсорбцион кўрсаткичларига рН таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўрганилаётган объектлар ўзларининг ҳос рН қийматларига эга, лекин рН қийматининг 10 дан юқори бўлиши бентонит

гилининг табиий ва модификацияланган шакллари тузилишини кимёвий жараёнлар асосида емирилиши содир бўлади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рН муҳитининг 2 гача туширилиши адсорбент+МК системасида ГДТМА-КР ва Х-КР учун адсорбция миқдорини мос равишда 5 ва 48% га оширади. рН муҳитининг МЗ адсорбциясига таъсири МК ҳолатидагидек равшан эмаслиги маълум бўлди. Шундай қилиб, адсорбция миқдори кўпроқ эришиладиган рН муҳитининг оптимал кўрсаткичлари ГДТМА-КР намунаси учун 5-7 ни, Х-КР учун эса 4-8 ни ташкил этади.

Диссертациянинг «Тўқимачилик саноати оқава сувларини органобентонит билан тозалаш самарадорлигига турли технологик омилларнинг таъсирини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида тўқимачилик саноати чиқинди сувларининг технологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал.

«SOF MEGA TEKSTIL» корхонаси оқова сувларининг таркиби ва технологик хусусиятлари (умумий ишлаб чиқариш оқими)

Сувнинг сифат кўрсаткичлари	Ўртача қиймат
Муаллақ моддалар, мг/л	55-220
Курук қолдик, мг/л	600-1500
Курук қолдикнинг қуллик даражаси, %	35-56
Кислородга кимёвий талаб (ККТ), мг/л	450-660
Биокимёвий кислород сарфи (БКС) _{тўлик} , мг/л	90-190
рН	6,2-8,5
Аммонийли азот, мг/л	22-30
СФМ (ПАФ) миқдори, мг/л: анионли	98-312
ион бўлмаган	100-145
Хид чегараси (суюлтириш бўйича)	1:30-1:50
Ранг интенсивлиги (шаффоф ҳолгача суюлтириш)	1:50-1:250

Маълум бўлишича, оқава сувлар ўз таркибининг ўзгарувчанлиги билан тавсифланади, яъни бўйаш цехининг алоҳида оралик вақт ва сменалари давомида рангнинг интенсивлиги, сирт фаол моддалар (СФМ) миқдори, ёғ-мой ва муаллақ моддалар миқдори кескин ўзгаради. Шунинг учун бўёвчи моддалар адсорбцияси шароити ва ушбу жараёнларнинг боришига турли СФМ ва ёғ-мой моддаларнинг таъсирини тўлиқ ўрганиш зарур.

Умумий оқим ҳамда бўйаш цехи оқими бўйича фақат анионли ва ион бўлмаган сирт фаол моддалар миқдори кенг чегарада ўзгариб туради. Фаол (реактив) бўёқлар билан бўйалгандан сўнг тўқимачилик материали гидролизланган бўёқдан тозалаш учун СФМ эритмаси билан ишланади, бу эса бўйаш цехининг оқава сувида кўп миқдорда бўёқ ва СФМлар ифлосланишига олиб келади. Шунинг учун органобентонитларда турли СФМ ва уларнинг аралашмаси адсорбция жараёнларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

СФМ аралашмаси Х-КР адсорбентида анионли бўёқлар сорбциясини бироз камайтириши аниқланди, лекин жараён вақти ортиб бориши билан сорбция сифими ортади ва сулфонол аралашмасининг 40-70 мг/л концентрация оралиғида бўёқ молекулалари хажмига қараб 10 соатдан ортиқ вақт давомида бўёқдан тозаланишнинг максимал даражаси 70-90% га етади. Маълум бўлишича, бўёқли системада нисбатан йирик ўлчамдаги ёрқин қизил 6В молекулаларининг адсорбцион мувозанатининг вужудга келиши учун ёрқин кўк 2В бўёғига нисбатан узокроқ вақт (10 соатдан ортиқ) сарфланади.

МКК га нисбатан юқори концентрацияларда уларни ажратиш даражаси ортиши туфайли иккала бўёқ эритмалари учун тиниклашиш даражаси ҳам кескин ошади. Бундай кескин ўзгариш буёвчи моддаларнинг катта ўлчамли молекулаларининг СФМдаги гидрофоб радикаллар ва адсорбент орасидаги қисман солубилизацияси туфайли бўлиши мумкин.

ГДТМА-КР намунаси юқори адсорбцион имкониятга эга эканлиги СФМ миқдорини 160 мг/л гача оширилишидан яққол кўринади. Лекин, тадқиқот натижалари кўрсатганидек, сирт фаол моддалар концентрациясининг янада ортиши бўёқ эритмаларининг тиниклашиш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Эҳтимол, адсорбция марказларига сирт фаол модда ионларининг боғланиши ҳамда модификацияланган монтмориллонит сиртини қоплаши ҳисобига ёрқин қизил ВБ ва ёрқин кўк 2В бўёқларининг йирик молекулаларига кириш имконини чеклайди.


Тадқиқот давомида модификацияланган ГДТМА-КР, Х-КР и ТМЭА-КР органобентонит намуналарининг гранулалари ёрдамида бўёқчилик цехининг дастлабки сув намуналари ва "Sof Mega Textile" корхонасининг умумий оқими, шунингдек уларнинг филтратлари кўрсаткичларининг кимёвий-аналитик тавсифларини қиёсий таҳлили ўтказилди.

Статик ва динамик тозалашнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, турли ифлослантирувчи моддаларни олиб ташлаш самарадорлиги уларнинг табиатига ва молекулаларнинг хажмига боғлиқ. Динамик тозалаш шароитида оқава сувларни адсорбент қатлами орқали ҳаракатлантиришда нисбатан йирик ўлчамдаги молекулалар (сирт фаол моддалар, бўёқлар, мураккаб ионлар) яхши ушланиши аниқланди. Шундай қилиб, 1 см баландликдаги адсорбент қатламидан 4,25 литр оқава сув ўтганда (адсорбентнинг истеъмоли 2 г / л атрофида), сирт фаол моддалар, катта молекуляр ўлчамли бўёқлар ва уларнинг бирлашмалари тўлиқ тутиб қолинади.

Шу билан бирга диссертациянинг мазкур бобида органобентонитларнинг антимикроб қобилиятларининг тадқиқоти келтирилган. Бўяш цехининг оқава сувларини органобентонитлардан фойдаланган ҳолда адсорбцион тозалаш оқава сувларни нафақат зарарсизлантириш, балки уларни органик қолдиқлардан тозалаш ва микроорганизмлар ривожланишини олдини олиш имконини ҳам беради. Микроорганизмлар қолдиғидан юқори (40°C дан юқори) ва паст (10°C дан паст) ҳароратларда сувни тозалашнинг мақбул шароити ва органобентонитларнинг сарфи ўрганилди. Статик шароитларда 96% гача юқори натижада микроорганизмлардан (*E.coli*, умумий колиформ

бактериялар ва замбуруғлар) тозалаш учун адсорбентнинг оқава сув билан 25 дақиқа ўзаро таъсирлашиши етарли эканлиги аниқланди. Бунда тозалаш самарадорлиги замбуруғлар учун 97% ва умумий колиформ бактериялар учун 93% ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Органобентонитлар ишлаб чиқарилишининг технологик схемасини ишлаб чиқиш ва ушбу технологияни жорий қилишнинг экологик-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш**» деб номланган тўртинчи бобида тўқимачилик саноати оқава сувларини тозалашга мўлжалланган гранулаланган органобентонит адсорбентларни ишлаб чиқариш технологик тармоғини ишлаб чиқиш бўйича илмий-услубий тартибни яратиш натижалари (7-расм) келтирилган.



7-расм. Табиий бентонитлар ва органик модификаторлар асосида адсорбентларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси:

1) гил учун бункер; 2) сув баки; 3) дозаторлар; 4) аралаштиргичли реактор; 5) элак; 6) чўктириш баки; 7) сувни тўкиш учун юқори сифон; 8) қуйи сифон; 9) хаволи қуриткич; 10) электроқуриткич; 11) планетар аралаштиргич; 12) модификатор баки; 13) гранулятор; 14) қиздириш печи; 15) қадоқлаш.

Органобентонит адсорбентларнинг лаборатория ва тажриба-саноат синовлари ўтказилди (18.12.2020 й.даги тажриба-саноат синовлари акти). Бўяш цехининг оқава сувларини тозалаш учун импорт ўрнини босувчи органобентонит (ГДТМА-КР)дан фойдаланишнинг экологик ва иқтисодий самарадорлик (ЭИС) қийматлари ҳисобланди. Оқава сувларини юқори даражада зарарсизлантириши ҳамда хом-ашё харажатларининг камайиши туфайли органобентонит адсорбентидан фойдаланишнинг нисбий ЭИС анча юқорилиги аниқланди. Бир хил миқдордаги ифлослантирувчиларни рухсат этилган концентрацияларгача камайттириш учун органобентонит адсорбентларни жорий этиш импорт адсорбентларни қўллашга нисбатан сарфланган харажатларни 5,34 марта камайттиради.

ХУЛОСА

Илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Крантау бентонити ва гексадецилтриметиламмоний бромид асосида органобентонитли адсорбент синтезининг мақбул шартлари аниқланди. Суспензиядаги натрий монтмориллонит оғирлигига нисбатан 10-20% миқдорда модификаторлар сарфланганда адсорбентларнинг юқори технологик кўрсаткичларига эришиш мумкин.

2. КР намунасини модификаторлар – гексадецилтриметиламмоний бромид ва хитозан билан модификациялаш гидрофоб хоссали бензолнинг адсорбцияланиш миқдорини мос равишда 7,53 ва 4,63 марта ортишига олиб келди. Бинобарин, дастлабки гил туридан қатъий назар гексадецилтриметиламмоний бромид асосида олинган органобентонитлар кўпроқ гидрофоблик қобилиятига эга.

3. Бўяш цехининг оқава сувларини ГДТМА-КР и Х-КР органобентонитларидан фойдаланган ҳолда адсорбцион тозалаш оқава сувларни нафақат зарарсизлантириш, балки уларни органик қолдиқлардан тозалаш ва микроорганизмлар ривожланишини олдини олиш имконини беради. Статик шароитларда 96% гача юқори натижада микроорганизмлардан (*E.coli*, умумий колиформ бактериялар ва замбуруғлар) тозалаш учун адсорбентнинг оқава сув билан 25 дақиқа ўзаро таъсирлашиши етарли эканлиги аниқланди. Бунда тозалаш самарадорлиги замбуруғлар учун 97% ва умумий колиформ бактериялар учун 93% ни ташкил этади.

4. Комплекс тадқиқотлар натижасида табиий бентонит ва органик модификаторлардан экструзия усулида ва кейинчалик 380°C га қиздириш орқали донадор сорбент ишлаб чиқариш технологияси таклиф этилди.

5. Ишлаб чиқилган адсорбентлар асосида бўёқ цехининг оқава сувларини адсорбцион усулда тозалаш самарадорлиги: бўёқ моддаларга нисбатан ГДТМА-КР ва Х-КР мос равишда 94,5 ва 93,0% ни ташкил этди. ККТ ва БКС қийматларига кўра ўртача тозалик даражаси корхоналарнинг ювиш мосламаларига қўйилган талабларга жавоб беради, бу эса тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш циклларида қайта-қайта ишлов берилган оқава сувлардан фойдаланиш имконини беради.

6. Тўқимачилик саноатинининг оқава сувларни адсорбцион тозалашда органобентонитларни қўллашнинг экологик-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Органобентонит адсорбентини қўллаш натижасида бир миқдордаги ифлослантирувчиларнинг рухсат этилган максимал концентрациясини йўқотиш учун сарфланган харажатлар мавжуд адсорбентлар қўлланиланиш даврига нисбатан 5,34 марта кам бўлиб, бунга адсорбцион тозалаш баҳосининг 3 мартадан ортиқ камайиши ҳисобига эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02.30.12.2019.К/Т35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
им. ИСЛАМА КАРИМОВА**

СЕЙТНАЗАРОВА ОКСАНА МУРАТБАЕВНА

**МОДИФИКАЦИЯ БЕНТОНитОВОЙ ГЛИНЫ И ИССЛЕДОВАНИЕ
ПРОЦЕССА АДсорбЦИИ ТЕКСТИЛЬНЫХ КРАСИТЕЛЕЙ
ОРГАНОБЕНТОНитОМ**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/T2213.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете им. Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Ихтиярова Гульнора Акмаловна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Эргашев Ойбек Каримович
доктор химических наук

Эркабаев Фуркат Ильясович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита состоится «6» июля 2021 г. в «13⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.02.30.12.2019.K/T35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 3, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «22» июня 2021 года
(реестр протокола рассылки № 3 от «22» июня 2021 года.

Закиров Б.С.

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н.

Салиханова Д.С.

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н.

Абдурахимов С.А.

Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению ученой
степени, д.х.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире стремительное развитие отраслей промышленности приводит к заметному увеличению антропогенного воздействия на окружающую среду. Функционирование большинства производств, в том числе и предприятий текстильной и легкой промышленности, связано с образованием больших количеств отходов в виде выбросов ядовитых газов, сточных вод и твердых материалов. Следовательно, имеет большое значение уменьшение искусственного загрязнения окружающей среды за счет использования адсорбентов для очистки сточных вод и их возврата в цикл.

Во всем мире ведутся научные исследования для создания технологий активации и модификации природных или синтетических сырьевых материалов с целью получения адсорбентов для очистки производственных сточных вод. В связи с этим особое внимание уделяется установлению химико-минералогического состава глинистых минералов, определению оптимальных условий обогащения, активации и модификации глин в зависимости от их сорбционных характеристик, определению эффективных модифицирующих реагентов, установлению механизма адсорбции различных веществ на поверхности адсорбентов.

В Республике достигается ряд научных и практических результатов по получению модифицированных адсорбентов с высокой сорбционной способностью на основе местных природных ресурсов, в частности, местных природных углей и глинистых минералов, а также по их применению в сорбционных очистительных процессах от примесей органических и неорганических поллютантов. Согласно третьему направлению Стратегии развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены приоритетные задачи по «производству высококачественной готовой продукции, в первую очередь, на основе глубокой переработки местного сырья, развития высокотехнологичного перерабатывающего производства»¹. В связи с этим большое значение имеет создание новых высокоэффективных сорбционных материалов и разработка на их основе технологии комплексного обезвреживания сточных вод от различных загрязнителей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе ускоренного развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В настоящее время достаточно глубоко проработаны теоретические вопросы очистки воды с использованием сорбционных технологий. Вопросам удаления загрязнений из воды с использованием пористых материалов посвящено много работ, анализ которых позволяет выделить исследования, связанные с получением как органических, так и минеральных сорбентов. Методологией получения минеральных, органических сорбционных и ионообменных материалов занимались Лысенко А.А., Карнаухов А.П., Земнухова, Комаров В.С., Ратько А.И., Клушин В.Н., Никитина Т.В., Ермаков Д.В., Воловичева Н.А., Брызгалова Л.В., Амфлета Ч., Ергожина Е.Е., Акимбаева А.М. Тиньгаевой Е.А., Кузнецова И.О., Andini S., Shawky H., Chang M., Gupta V., Chen H., Garg U., Grimm A., Gurgel L., Malkos E., Dahlan I., Dinu M., Liu A., Vieira M. и др.

В Узбекистане под руководством одного из ведущих ученых в области исследования и создания адсорбентов К.С.Ахмедова, была создана научная школа, ее представители Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекел, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамходжаев, У.К.Ахмедов, Г.У.Рахматкариев, С.З.Муминов, Б.Н.Хамидов, В.П.Гуро, Г.Р.Нарметова, Туробджанов С.М., Ихтиярова Г.А., Эшметов И.Д., Эргашев О.К., и другие внесли весомый вклад в ее развитие.

Одновременно, ведутся ряд научных работ в области получения органоминеральных сорбентов для различных целей, в том числе для водоочистки и водоподготовки.

